

2019

THE RELIGIOUS-PHILOSOPHICAL LEGACY OF AHMED ZAKI VALIDIY

Muminjon Xojaev

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN, m.xojaev@iiu.uz

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu>



Part of the [History of Philosophy Commons](#), [Islamic Studies Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Religious Thought, Theology and Philosophy of Religion Commons](#)

Recommended Citation

Xojaev, Muminjon (2019) "THE RELIGIOUS-PHILOSOPHICAL LEGACY OF AHMED ZAKI VALIDIY," *The Light of Islam*: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 26.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2019/iss4/26>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Muminjon XUJAEV,

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,
 doctor of philosophy PhD, senior lecturer of the chair on
 Social-humanitar sciences. E-mail: m.xojaev@iiaau.uz,
 11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

АХМАД ЗАКИ ВАЛИДИЙНИНГ ДИНИЙ- ФАЛСАФИЙ МЕРОСИ

РЕЛИГИОЗНО-ФИЛОСОФСКОЕ НАСЛЕДИЕ АХМЕДА ЗАКИ ВАЛИДИЯ

THE RELIGIOUS-PHILOSOPHICAL LEGACY OF AHMED ZAKI VALIDIY

Калит сўзлар: фалсафа, ислом, дин, цивилизация, халқ, жаҳон, тарих, маданият, санъат, миллат.

Ключевая слова: философия, ислам, религия, цивилизация, народ, мир, история, культура, искусство, нация.

Key words: philosophy, Islam, religion, civilization, people, world, history, culture, arts, nation.

Тоталитар тузум даврида давлатни ва инсон ҳаётини маъмурий-буйруқбозлик асосида бошқариш ва мафқуралаштириш, зўр бериб байналмилаллаштириш ва руслаштириш, миллийликни инкор этиш, миллий кадриятларнинг унутулиши тарихий хотирадан ажралиб қолишга олиб келди. Буларнинг барчаси миллий фалсафий ва мафқуравий тафаккурга салбий таъсир кўрсатди.

1. Бугунги кунда ислом динининг жаҳон цивилизациясига гуманистик ғоялари билан бевосита: «Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат» [Mirziyoyev, «Xalq so'zi», 2017 yil 20 sentyabr]. ҳозирги глобаллашув шароитида жаҳонда стратегик вазибалардан бири сифатида белгилаб олинди.

Тоталитар тузумнинг кучли ғоявий куроли бўлган коммунистик мафкура илм-фан, айниқса, ижтимоий фанларнинг тараққий этишига жиддий тўсқинлик қилди. Бунинг оқибатида фалсафани, айниқса, миллий фалсафани ва унинг мумтоз меросини холисона ўрганиш ва тадқиқ қилиш имконияти чекланди. Бу ҳақда Тўғоннинг куйидаги фикрларига эътибор қаратишни мақсадга мувофиқ деб биламиз: «Бу муаммолар айниқса, Осиё халқларининг ташқи дунё муносабатларига кўрсатган таъсири, ҳозирги кунда (яъни 1933 йил) кўплаб олимларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб қилмоқда. Араблар ва туркийлар нафақат бошқа халқларнинг маданий жиҳатдан (ҳаракатларига) ўзгаришларига

ишонч берган, балки уларнинг ҳаракатлари катта ички мазмунга эга бўлган, уларга маънавий ҳамда маданий жиҳатдан куч-қувват берган» [Zeki Velidi Togan, 1934, 611-627]. Миллат зиёлиларига қарши олиб борилган жисмоний ва маънавий таъқиб жамиятнинг маънавий таназзулини тезлаштирди. Шу жумладан, ижтимоий фанларнинг таназзулига сабаб бўлди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, бугунги кунда мамлакатимизда истиқлол шарофати билан жамият ҳаётининг барча жабҳаларида тубдан янги-ланиш жараёни рўй бермоқда.

Заки Валидий турк олими, сиёсатчиси Меҳмед Орифбейнинг ҳаёти ва «Минг бир ҳадис» асарини ўрганади. Меҳмед Орифбейнинг куйидаги сатрлари унда катта таассурот қолдиради. Валидий «Ё Раббий, фойдасиз илмдан, мақбул бўлмаган амал ва ибодатдан сенга сиғинаман» деган ҳадисини шарҳлар экан, ислом динига эътиқод қилувчи миллатлар учун балога айланган калом ва схоластик мантиқ Куръони каримни ўрганишни ортиқча деб танқид қилган ва бу каби илмларни кераксиз, деб ҳисоблаган эди. Валидийнинг айтишича: «Бу ҳадис унга қаттиқ таъсир қилади, араб тили ва адабиёти ҳамда араб тилидаги тарихий асарларни ўқишга катта аҳамият бера бошлайди» [Kuchumov, 1997, 163].

Олимнинг диний қарашларида фикр теранлигининг асоси: «Бобоси Кофий Сатликнинг беш ўғли ҳам имом, уч қизини турмушга берган шогирдлари ҳам имом бўлган. Бобомнинг тўнғич фарзанди бўлган тоғаси Ҳабиб Нажжор, Кўчқор ўғли Амирхоннинг савдогар ўғли томонидан Қозонга олиб кетилиб, ўша даврнинг энг буюк устози ва мутафаккири, машҳур тарихчи Шаҳобиддин Маржонийга шогирд тушган. Шундан сўнг Маржоний мадрасанинг машҳур халфаси бўлган» [Zeki Velidi Togan, 1969, 14]. Ҳабиб Нажжор араб риторикаси ва стилистикаси қаторида шунингдек, буюк кишиларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишни муҳим деб ҳисоблаган. Тоғаси унга Ибн Холиққон, Тошкўпризода, ҳинд зиёлиси Абдулхай ал-Лақнавийнинг китобларини мутолаа қилишга берган. Отасининг дўсти бўлмиш Мурод Рамзийнинг «Рашаҳот» номли асарининг араб тилидаги таржимаси унда қизиқиш уйғотади. Заки Валидий бу асарнинг асл форсий нусхаси билан солиштирар эди. Тоғаси жиянини араб тили ва ислом ҳуқуқи ва илоҳиёти тарихини асосан Куръони каримдан ўрганишига аҳамият беради.

Заки Валидийнинг космологик ва эсхаталогик диний фикрлари, тасавурлари асосан Куръони карим ва «Инжил»нинг таҳлилларига таянади. Таҳлил жараёнида у бир томонлама ақлий, бошқа бир томонлама оддий халқнинг тасавурларидан фарқлайди. Олим фикрича: «Зиёли кишилар бутун

Мақолада Аҳмад Заки Валидий Тўғоннинг яшаган давридаги ижтимоий ҳаёт тарзи ва диний-фалсафий фикрлари ҳамда ўз даври олимларининг диний-фалсафий фикрлари ислом ва христиан дини таълимоти ҳамда тарихини ўрганишга бўлган эҳтиёжнинг пайдо бўлиши каби фикрлари таҳлил этилган.

Заки Валидий яшаган даврда сиёсий вазиятнинг ёритилиши ҳақидаги фикрларининг таҳлилидан собиқ совет тоталитар сиёсати жамиятни маънавий таназулга етаклашга, инсонларни маънавий қашшоқлаштиришга, собиқ иттифоқ халқлари қаторида халқимизни ҳам коммунистик мафқуранинг тобеларига айлантирилишига оид фикрларининг таҳлилларидан мисол келтирилган.

В статье анализируется социально-общественная жизнь во времена Ахмада Заки Валиди Тогана, религиозно-философские, общественно-политические воззрения А. Валиди.

Возникновение необходимости изучения истории ислама и христианского учения, религиозно-философской мысли Ахмадом Заки Валиди. Общественно-политические взгляды Заки Валиди на политическую ситуацию во времена советской тоталитарной политики основанное на анализе его взглядов на духовную деградацию общества, духовное опустошение людей и зависимость коммунистической идеологии среди людей бывшего Советского Союза.

This article analyzes the social and social life during the time of Ahmad Zaki Validi Togan, the religious-philosophical, socio-political views of A. Validi.

The emergence of the need to study the history of Islam and Christian doctrine, religious and philosophical thoughts by Ahmadom Zaki Validi. Socio-political views of Zaki Validi on the political situation during the Soviet totalitarian politics based on an analysis of his views on the spiritual degradation of society, the moral impoverishment of people and the dependent of communist ideology among people of the former Soviet Union.

дунёни ақл, идрок бошқарса, бутун борлиқни ақлий идрок (бошқаради) айлантиради. Инсоннинг ҳаёти даври чегараланиб қолмайди, бироқ жисмоний жасад кўринишида бўлиб, яъни жасадни тарк этадиган танада бошқа бир ҳаётини руҳ бор. Инсоннинг кичик тасаввурларини қисман ақлий фикрлари билан тенглаштиради» [Zeki Velidi Togan, 1969, 243]. Шунингдек, Валидий: «Ислом илоҳиёти чек-чегарасиз илоҳий эркинликларни, фақат биргина Аллоҳ барча нарсаларнинг яратувчиси. У табиат қонунларини ҳам тартибга келтиради» [Yuldashbaev, 2000, 177 б], дейди.

Заки Валидий «Хотиралар»ида тарихчи файласуф, диншунос олим бўлишида уч муҳит, яъни оила, уламолар жамоаси ва мадраса ҳаёти сабаб бўлганлиги тўғрисида ёзади. Шаҳобиддин Маржонийнинг қарашлари эди. Шаҳобиддин Маржонийнинг исломий ақидаларга оид эркин фикрлари зикр этилган. Бу жиҳатдан Валидий тоғаси Ҳабиб Нажжорга ҳам Шаҳобиддин Маржонийнинг шогирди сифатида қараган. Маржоний араб сайёҳи Ибн Фадланнинг шомоний «тос» деган бут (санам)ларга доир сўзларини нотўғри изоҳлаганлигини ва бошқирдлар ҳам «Паллус» маданияти экани ҳақида фикр билдиргани учун араб тилини жуда яхши эгаллаганлигини изоҳлайди.

Заки Валидий Шаҳобиддин Маржонийнинг илмий фаолиятини ўрганар экан, Маржоний асарларида ислом динини инсон онгига ахлоқий нуқтаи назардан ҳам сингдириш, тушунтириш ва қай ҳолатда фанга нисбат берилишини ҳамда диний, дунёвий фанларнинг уйғун ҳолатда таълим-тарбиядаги аҳамиятини, ислом фалсафаси ва ҳикматни

инкор этмайди. Фанга келсак, уларнинг барчаси хайрилик, шунингдек, Шаҳобиддин Маржоний ўз ижодида Қорахонийлар тўғрисида тўлиқ маълумот бериб, кўлэмаларни ўрганиб, кўчириб олади. Шунингдек, Қорахонийлар сулоласи ҳақида «Жавохир-ул-мудийя», «Вафаёт-ул-аён», Ибн Халлиққон, Қозихон Ўзгандийнинг «Китоб Фатово», Мирзо Ҳайдар Дўғлотнинг «Тарихи Рашидий» асарларини ўрганиб, «Муллозода» асари муаллифи Муъин ул-Фуқаронинг алломаларнинг асарларини ўрганади ва улардаги нумизматикага оид матнларни йиғади ва шарҳлайди [Validov, 1914, 2]. Олим илмий сафарда бўлган Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Шаҳрисабз (1913–1914 йиллар), Хива (1920 йил), Туркменистон, Эрон ва Афғонистон (1923 йил), Париж ва Лондон (1924 йил), Венгрия (1925 йил), Австрия (1938 йил)да ёзилган ва бизнинг ҳудудимизда яшаган халқларнинг асарларининг тадқиқи ва таҳлилидаги маълумотларнинг фалсафа, дин, тарих, маданият, география, этнография, иқтисодиёт, топонимика, антропология каби фан тармоқларига оид йўқолиб бораётган манбаларнинг таҳлилини содда, тушунарли ва ҳаққонийлиги ва далилларга асосланганлиги жиҳатидан бебаҳо таҳлил қилган.

Заки Валидий «Турк-татар тарихи», «Тарихда усул», «Умумтурк тарихига кириш» номли тарихий асарларини ёзишида Туркистон илмий сафаридаги топган манбалари муҳим ўринни эгаллаганлигини алоҳида қайд этади. Шундан кейин ўша пайтдаги машҳур рус «Академик либерал шарқшунослик мактаби» вакиллари, профессорлар Н.Ф.Катанов, Н.И.Ашмарин, В.В.Емелянов, К.В.Харламов

повичлар ва академик В.В.Бартолд Валидийнинг «Турк-татар тарихи», «Тарихда усул», «Умумтурк тарихига кириш» каби тарихий, фалсафий ва диний муаммоларга бағишланган тадқиқотларига юксак ижобий баҳо берибгина қолмай, уни Қозон Университети «Археология ва тарих жамияти»-нинг ҳақиқий аъзоси этиб сайлайдилар.

Валидий Туркистондаги 1913 йилги илмий сафарида Тошкентда бўлади ва бир қанча кутубхоналардаги қўлёзмалар билан танишади. Отаси Аҳмадшоҳ ва қўшнилари Бекбўлат ҳазратлари топшириғи билан: «Шайх Хованд Тахур ва Хўжа Аҳроп Валий зиёратгоҳларига бордим. Шайх Хованд Тахурнинг муфассал манокиби, форс ва турк тилларидаги шеърлар жамланган қўлёзмани саххофлардан сотиб олиб Уфага жўнатдим. Шу орада Бухоро ва Самарқандга ҳам бориб, у ерда ҳам зиёлилар, қўлёзма соҳиблари, тарих ва археология, этнография мухлислари билан учрашдим» [Abdurahmonov, 1997, 26], дейди. Унинг асарларини ўқиган бир қанча олимлар унга юқори баҳо берадилар. Булардан бири Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон эди. «Чўлпон Заки Валидийнинг асарларини ўқигач унга хат йўллаб, Андижонга таклиф қилади. Валидий 1913 йилда талаба Назир Тўракулов билан Чўлпоннинг отаси уйда бўлганлигини ёзади [Abdurahmonov, 2004, 37].

Бу учрашув кейинчалик Чўлпон ва Валидийнинг маърифатпарварлик ғояларини ёйишда ҳамда сиёсий жараёнларда елкама-елка туриб Чор ҳукуматига қарши курашда бирлашишдаги илк учрашув бўлганлигини ёзади.

Академик В.В.Бартолд Заки Валидийни Санкт-Петербург университети Шарқ тиллари факультетига ишга олиши, ўз ташаббуси билан тузилган «Халқаро Ўрта Осиё тадқиқ Комитети»да ишлаши, Европа давлатларидаги ислом динига оид қўлёзмаларни кидириб топиш ва тадқиқ этиш учун юборишини билдирган. Заки Валидий 1914–1917 йилларда Германия, Австрия, Париж ва Лондонда тадқиқотлар олиб боришини академик В.В.Бартольд режалаштирган эди. Биринчи жаҳон урушининг бошланиши бунга имкон бермади. Заки Валидий ислом манбашунослигида янги топилмаларни илмий ва фалсафий таҳлил қилар экан, қуйидаги саволларнинг ечимини ўз олдига вазифа сифатида қўяди: «Сабаб ва оқибатни, яъни ҳадисларга қарши билдирилаётган фикрлардан воз кечган ҳолда, арабча қарама-қаршилик, яъни «теккевуни» услубига кўра ёзилган тарих, тарихий воқеаларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш муҳим ҳисобланади» [Zeki Velidi Togan, 1986, 4], дея таҳлил қилади.

Астрахан сафарида Заки Валидий Жамил исмли кишлоқ имомининг қўлидан ислом тарихи-

га оид Ибн Қутайбанинг машҳур «Ал-Имом вал сиёсат» номли асарининг ёзма нусхасини олиб, «Идель» газетасига бир мақола ёзади. Ўша даврнинг буюк олими сифатида танилган Ризоуддин ибн Фахриддин бу асарнинг Астраханда эканлигидан ажабланади ва бу асарнинг Бошқирдистонда эканлигига ишонгиси келмайди. Балки адашиб бошқа бир асарни унга адаштирган бўлиши мумкинлигини айтади. Заки Валидий китобни унга келтирганида, кўриб чиқиб шу асар эканлигини, асарда имомлар ҳақидаги фикрлари ҳам газетадаги мақоласида тўғри хулоса ва таҳлил қилинганлигини ўқиб, ёш олимга нисбатан ишонч пайдо бўлади. Буни Ризоуддин ибн Фахриддиннинг ўзи 1926 йил Истанбулга келиб, Заки Валидийнинг уйда меҳмон бўлаётганда айтади [Zeki Velidi Togan, 1969, 61]. Бу икки мақола билан, бир томондан, туркий қавмлар тарихи, иккинчи томондан, ислом тарихига доир тадқиқотининг энди бошланиши эди. Заки Валидийнинг фикрича: «Илк ўрта асрларда ислом оламининг тарихчиси Табарий муаррихлик билан шуғулланган. Табарий бутун тарихий ҳодисаларга оид воқеаларни ўқиган, эшитган ва кўрганини ортиқча қўшмасдан, ўз ҳолича асарига киритган. XI–XIII асрларда немис ва русларнинг монастырларида ишлаган роҳибларнинг рўйхати ҳам шулар жумласидандир» [Zeki Velidi Togan, 1969, 28 б.], дея таҳлил қилади.

Валидийшунос олим Ахат Салиховнинг ёзишича: «Валидийнинг Қозонга келиши билан (1913 йил) профессор Н.Ф.Катанов Қозон университети тарих жамияти Шарқ қўлёзмалари ҳақида» [Zeki Velidi Togan, 1969, 11 б.] шунингдек: «Археологик ва этнографик тадқиқотлар олиб бориш учун Туркистонга юборади» [Validov, 1914, 2 б.]. Заки Валидий билан учрашган ва танишган Туркистон зиёлилари, тарихчилари ва хусусий қўлёзма Фарғона илмий сафари II-ҳисоботида тилга олинади. Ашурали Зоҳирий ва бошқа қўлёзма соҳиблари билан танишиб унда қўлёзмалар мавжуд бўлиб, «Ашурали Зоҳирийдан Махтумқули «Девон»ининг энг мукамал нусхасини, яъни 209 маонийсидан иборат тўлиқроқ қўлёзмасини олганлигини «Шўро» газетасининг «Девони Махтумқули» [Zaki Validi, 1913, 393-395-524] мақоласида ёзади. Бундан ташқари олим «Махтумқули ашъорина кўрсаткич» [Abdurahmonov, 2004, 424-427 б., 458-460 б., 491-494 б., 522-524] номли мақоласини олимнинг вафоти санаси [Prof. Zeki Velidi Togan, 1986, 61]ни аниқлаганлигига бағишланган.

Заки Валидий Юнусжон Додхоҳ Мухаммедов қўлёзма хазинасидаги жами 23 та нодир қўлёзма билан танишган.

Олим олиб борган тадқиқотларига кўра: «Фаррух Бей Муншаот» номли асарда Усманийлар давлатининг ташкил топиши даврига оид сохта саҳифалар учрайди. Буларни немис шарқшуноси И.Мордтман «Усули тарих» китобида изоҳлаган. Кейинчалик профессор Муҳримин Халил Юнанч бу саҳифаларнинг қаердан олинганини исботлаган. Ислом динида сохтакорликларининг энг кўпи мазҳаб ва қарашларга ҳамда пайғамбарга таяниб айтмоқда, деган фикрни илгари суриб, ҳаттоки ҳадисларни ҳам ўзларига мослаштиришга ҳаракат қилинган. Бундай сохта ҳадислар ўша даврнинг ҳолатига кўра сиёсатчилар томонидан ҳам ўйлаб топилган» [Ivanov, 1973, 78], ва тарихни сохталаштириш хусусидаги фикрлар ҳам мавжуд. Шу оисдан ҳам Заки Валидий «Тарихда усул» асарида «...бу фақатгина шахсий манфаатларини кўзлаб қилинган ишлардир. Баъзи сохталиклар эса ҳукмдорлар ёки амалдорларнинг шахсий манфаати ёки хусумат қилиш учун амалга оширилади» – деган хулосага келади.

Кейинчалик Заки Валидий юқоридаги маълумотлар бўйича профессор Николай Катанов ёрдамида Лондондан Мирхонд ва Хондамир китобларининг нусхаларини ва Бобурнинг хотираларининг нусхасини олади [Prof. Zeki Velidi Togan, 1966, 34-37].

Заки Валидий: «Ҳиндларнинг Моҳанжодаро маданиятини диний-фалсафий таҳлилида Ўрта Осиё туркийлари тарихида учраган ўхшашликлари аслида туркийлар ва мўғулларга қарашли бўлган» [Prof. Zeki Velidi Togan, 1966, 43 б.], дейди. Туркий ва мўғулларнинг вилоятлари, шомонларнинг фалсафий ва моддий-маънавий олами ҳақидаги тасаввурлари бунга яққол далилдир: «Гарчи уларнинг космогониялари бошқа маданиятлар таъсирига учраган бўлса-да, хусусан, ҳукмдорни оқ кигизга 4 бурчидан ушлаб кўтариш, ўлкани бўлиб идора қилиш, кигиз бурчидан ушлаган қабила бийларига давлат ишларида суяниш, шаҳарларнинг тўрт бурчакли эканлиги, тўрт дарвозага олиб боровчи тўртта шоҳқўчанинг шаҳар бўйлаб чўзилган» [Prof. Zeki Velidi Togan, 1966, 43 б.], эканлигини таъкидлайди.

XVIII–XIX асрларда Валидий Туркистондаги маданий ва ижтимоий ҳаётнинг Европадан орқада қолиши сабабларини таҳлил қилар экан, шундай хулосага келади: «Бу дарҳол содир бўлгани йўқ. Аксинча, дастлабки ўзбеклар темурийлар даврида Самарқанд ва Ҳиротда пайдо бўлган санъатни давом эттирдилар. Улардан айниқса, Убайдуллахоннинг Бухорода ҳукмронлик қилган ўғли Абдулазизхон илм ва санъат ҳомийси бўлган. Бухородаги Абдулазизхон мадрасаси ўша пайтда санъат акаде-

мияси даражасига кўтарилганлигини таъкидлайди. Ўзи ҳам мумтоз ҳаттотлардан бўлган Абдулазизхон бу ерда Алишер Навоий даврида маданий муҳитда етишиб чиққан Мир Али Хусайний Машҳадий, Маҳмуд Музаҳҳаб ва Мирак Мунший каби гузида ҳаттот ва рассомларни тўплаб, Бухоро мактабини вужудга келтирган» [Ivan Stchoukine in Journ. Binyon and Wilkinson, 1933, 109].

Шунингдек, Валидий Туркистон санъати ҳақида шундай дейди: «Зотан, ўзбеклар (яъни ўша давр маҳаллий аҳоли назарда тутилган) XV асрда Олтин Ўрда ва Астрахан томонларда бўлган пайтларида санъат тарихчилари томонидан «Қипчоқ санъати» деб номланган мактабни юзага келтирганлар. Бу даврда санъат вакиллари, айниқса, кўчманчи ҳаётдан олинган лавҳаларни бизга мерос қилиб қолдиришган. Бу мероснинг баъзи ажойиб намуналари ҳозирда Топкапи саройида №1720 рақами остидаги «Ёқуб Мирзо албоми»да сақланади» [Zeki Velidi Togan, 1947, 129-132 б.].

1923-1932 йиллар олим ҳаётида катта из қолдирди. У кўплаб манба ва изланишларига таяниб, ўзининг асосий асари ҳисобланган «Замонавий Туркистон ва унинг яқин тарихи» китобини ёзди. Китоб бошда учта катта бўлимдан таркиб топган, кейинчалик икки боб шаклида илова қилинган. Биринчи бўлим туркий халқлар тарихига бағишланган. Улар яшаган ҳудуд Каспий денгизидан Олтой, Олатоғ, Тиёншон тоғларигача чўзилганлиги таъкидланади. Иккинчи бўлим «Шарқий Туркистон» деб аталган. Учинчи боб «Шимолий Туркистон» (Ўрол тоғлари қисми) деб аталган. Қолган икки боби қачон ёзилгани маълум эмас.

Тўғон Марказий Осиё тарихининг XVI асрдан XIX аср охири ва XX аср биринчи ярмигача бўлган даврини тадқиқ қилган. Бу даврда ҳам бу ўлка тарихи ёритилган илмий тадқиқот ишлари, асарлар, қўлёзма китобларнинг барчаси билан танишиб чиққан Заки Валидий ўлка тарихи тўла ўрганилмаганига амин бўлади ва уни батафсил тадқиқ этишга киришади.

Китобнинг биринчи қисмида ўлканинг ҳудудий чегаралари тадқиқ қилинган бўлса, иккинчи қисмида туркий халқларнинг келиб чиқиши ва қайси миллатлар бу гуруҳга мансублиги баён қилинади. Асарнинг учинчи қисми ўлканинг XVI асргача бўлган тарихига бағишланади. Бу минтақада яшаган туб халқлар кимлар бўлгани, ўлканинг бошқа халқлар маданияти билан алоқалари қандай бўлгани, кўк турклар ва ислом дини ҳақида қимматли маълумотлар беради. Тўртинчи ва бешинчи боблар ўлкани чоризм босиб олиши ва сиёсий вазиятлар тафсилотига бағишланган. (Vena, Hernalser-Gyulter,

11, Tur. 1929 йил 10 октябр). Бу катта илмий-тарихий тадқиқот тарихчиларга Марказий Осиё ҳақида кенг маълумот беради.

Заки Валидийнинг жамиятга оид фикрлари XIV асрда тарих фалсафаси ва жамият соҳасида иш олиб борган Ибн Халдун каби Мағриб олимларигагина хос бўлиб қолмай, айна шу фикр Амир Темур замонида Самарқандда ҳам кенг тарқалганини 1913 йилда Бухоро кутубхонасидаги қўлёзма асарларни тадқиқ этиш жараёнида билади. Бу фикрлар Ибн Халдуннинг замондоши бўлгани ҳолда уни кўрмасдан, фикрларига воқиф бўлмасдан туриб, худди шу фалсафий қарашни ифодалаган Шамс Изуддин ал-Ижийнинг асарида ҳам келтирилган. Амир Темур даврида Темурнинг амри билан тарих фалсафаси, туркий қонуни ҳамда давлат бошқарув тизимига бағишланган «Тухфа» номли асар Темурга тақдим қилинган. Валидий бу асарни Истанбулдаги Янги жомеъ кутубхонасидан топади. Шариат ўрнида қонун, дин ўрнида риёзиёт илмлари натижаларига йўл берилиши лозимлигини уқтирган ушбу асарда шундай дейилади: «Туркия президенти Мустафо Камол Отатурк билан бўлган суҳбатда ҳам айтилади. Шундан сўнг бу асар хусусида 1951 йил Истанбулда XXII Халқаро Шарқшунослар конгрессида маъруза қилинади. Кейинчалик Яледа профессор Франц Роузенталь ушбу асарга бағишланган тадқиқотини нашр қилган» [Prof. Zeki Velidi Togan 1969, 106].

Заки Валидий тадқиқотларида Изуддин ал-Ижийнинг калом ҳақидаги қарашлари бир тизимга солинган. Ёшлигидан саройда хизмат қилиб, кейинчалик бош қози лавозимида ишлаган Ижийнинг қарашлари кўп қирралидир. Унинг ижоди теология, калом, шариат ҳуқуқи, Қуръон асосида давлат бошқаруви, риторика ва диалектика, этика, тарихшунослик каби илмларни ўз ичига олади. Ижийнинг диний қарашлари ҳозирда бутун дунёга машҳур диний университетлар бўлган ал-Азҳар ва аз-Зайтунларда ўқитилади.

Абдурахмон ибн Аҳмад Изуддин ал-Ижий (1281–1355 й.) Эроннинг Шероз шаҳрида туғилган. Сўнгги калом илми ва фалсафаси вакили, мутакаллим ҳисобланиб, фикҳда шофеъий мазҳабида бўлган. Каломни ал-Байдавий (1286 йил) издошларидан ўрганган. Илҳонийлардан Абу Саид (1316–1336 йиллар) саройида қози бўлган. 1355 йилда номаълум сабабларга кўра Иж қаъласидаги зиндонга ташланиб, ўша ерда вафот этади. Машҳур мутакаллим Саъиддин ат-Тафтазоний унинг шогирди эди. Ижийнинг «Мавоқиф фи илм ал-калом» асари кўп асрлар давомида калом бўйича асосий қўлланма бўлиб келиб, бир неча бор (жумладан, ал-Журжо-

ний томонидан) шарҳланган. Унинг «Энг машҳур асари «Мавоқиф» деб номланади. Асарда ашъарийларнинг калом ҳақида қарашлари таҳлил қилинади. «Мавоқиф» олти китобдан иборат бўлиб, асардаги диний қарашлар фалсафа асосида мантикий фикрлашга таянади» [Abdurahmanov, 2004, 1].

Аҳмад Заки Валидий тоғаси Ҳабиб Нажжорда Ўтақдаги мадрасасида 18 ёшигача таълим олиб, тоғасидан ислом тарихи манбаларининг энг асосийси бўлган Ибн ал-Асирнинг асарларини ўқийди. Кейинчалик бир қисмини турк тилига ўгириб нашр эттиради. Шунингдек, Бухоро амири саройи кутубхонасида қадимий уйғур тилида ёзилган «Тарихи Ясо»ни ва ноёб қўлёзмалардан бири «Хонлар тарихи» ёки «Хоннома» билан танишиб, таҳлил қилади [Prof. Zeki Velidi Togan, 1986, 144-156]. Бу асар қадимий туркийлар маданиятига оид дostonлар тўплами ҳақида бўлиб, муаллифи бухоролик тахаллуси Имомий деган шоир эди. Валидий бу асар [Abdurahmonov, 1997, 108] ҳақида шарқшуносларнинг 1948 йилда Истанбулда, 1954 йилда Голландияда, Кембрижда бўлган конгрессида немис, турк ва инглиз тилларида маъруза қилади. Маърузада: «Биз гарчи улар бошқа муҳитда, бошқа тилларда ва ўзгача ҳарфлар ва иборалар билан ёзилган бўлса ҳам биз уларни фалсафий таҳлил қила олишимизни келтиради Шумерлар, оссурияликлар ва Мисрликларнинг китобларини, хитойлик Конфуцийнинг фикрларини, Будданинг назариясини, Арастунинг фалсафасини, Қуръони каримни бугун тушунишга қодирмиз» [Zeki Velidi Togan, 1931, 33], дейди. Тарихнинг диний-фалсафий тадқиқи жараёнида Заки Валидий даврларга ва турли жамиятларга мансуб инсонларнинг руҳий жиҳатлари кўриниши, ҳатто қайси тилда ёзилган бўлса инсонлар уларни тушунишга қодирлиги ҳақида фикр юритади.

Муҳаммаджон Абдурахмонов тадқиқотида: «Валидий ўз тадқиқотида Темурийларнинг авлодлари ҳақида 30 дан ортиқ илмий тадқиқотлар қилган» [Abdurahmonov, 1997, 2-9], деб ёзади.

Заки Валидий Темурийлар даври тарихини таҳлил қилар экан, ўша давр ёзувигача ҳам эътибор қаратади: «Темур ва унинг атрофидагиларга уйғур ёзуви ҳам керак бўлган. 1927 йилда Улуғ тоғдан Амир Темур ҳақида уйғур тилида ёзилган афсона топишган. У ўзининг юришларини турк котиби Бахшийга уйғур ёзувида ёзишни буюрган. Уйғур ёзуви Темурийлар даврида катта ҳурматга сазовор бўлган, аввал араб ёзувида, сўнгра туркий асарлар уйғур ёзувидан кўчириб ёзилган. Алишер Навоий даврида эса бу ёзув аста-секин муомаладан чиқди. Алишер Навоий буни ўзининг асарларидан бирида бу ёзувда воз кечишини талаб қилди. Бу эса Али-

шер Навоийдан мустақил ёзувни талаб қиларди. Фақат Шарқий Туркистонда уйғур ёзувидан Минглар хукмронлиги даврида (1368–1644 й.) Ҳамул (Ҳамий) мусулмон туркийлар ва буддавийликнинг вакиллари ҳозирги кунда ҳам фойдаланишади. Шарқий Туркистон бадий адабиёти Темурийлар давридан кейин ҳам Бухорода ўзбекларнинг хукмронлиги вақтида ҳам давом этиб келди» [Zeki Velidi Togan, 1931, 27], дейди. Чунки ўша даврда бу худудда уйғур ёзуви асосий ўринни эгаллаган эди. Хусусан, Валидий Амир Темур авлодларига оид асарида куйидаги фикрни билдиради: «Амир Темур мақбарасидаги ёзувлар 1905 йилда Санкт-Петербургда подшоҳликнинг қадимги асарлар жамияти томонидан «Самарқанд масжидлари»нинг «Гўри Амир Темур» номли II-жилдида нашр қилинган. Шу жумладан Блошетнинг Рашидидиннинг «Мўғул тарихига кириш» номли асарида ҳам бор» [Blochet 57-61] ва бу асарда Темурийлар даври ва ўрта асрларда уйғур ёзуви билан бирга эски ўзбек ёзувидан фойдаланилган.

Заки Валидий Амир Темурнинг шажарасига оид тадқиқотларида: «Бу насабнома Амир Темур ва ўғилларининг уйғур ёзувидаги расмлари (безакли) насабнома билан Амир Темурнинг Шарофиддин Али Яздий, Ҳофизи Абрў, Низомиддин Шомий ва бошқа хусусий котиблари томонидан темурийлар тарихида келтирилган шажара билан сўзма-сўз бир хил бўлиб, ҳижрий 829 йилда Амир Темурнинг ўғли, тахт вориси Мирзо Шоҳруҳ учун ёзилган, «Муез ул-Энсаб» номи билан машҳур бўлган асарда шажара ҳақида сўз юритилади. Бу асарнинг қўлёзма бир нусхаси Париж миллий кутубхонасида, яна бири Лондоннинг Британия музейида сақланмоқда. Бу шажараларнинг барчасида Амир Темурнинг насаби Туменг Хон ёхуд Туменаё Хон билан Чингиз Хонга боғлангандир. Мўғул ва туркийлар тарихи билан шуғулланган Европанинг таниқли олими Доссон ва Бартолд Амир Темурнинг насабини ерга уриб, бу шажара Темурнинг ўзи, ўғиллари ва яқинлари томонидан махсус тузилган деб ҳисоблайдилар. Доссоннинг фикрича, Амир Карачар номи Рашидидиннинг «Мўғул тарихи»нинг бир жойида ҳам учрамайди» [D'ohsson C, 1934, 108-109 б]. Бу каби маълумотлар айниқса, XX асрнинг биринчи ярмида бизнинг ўтмишимизни йўқотишга қаратилган ва тарихни бузиб кўрсатиш орқали ҳам ўзлигимизни йўқотишга қаратилган болшевизмнинг курали бўлган.

Заки Валидийнинг амакиси ўзи билган рус тилидаги тарихий китобларни, айниқса, ўзи фойдалана олмаган М.С.Соловёвнинг «Тарих» китобини ўрганишни истаган. Айниқса, Н.М.Ядринцев-

нинг асарлари унга жуда ёққанди. 1907–1908 йил киш ойларида отасининг мадрасасида араб тили ва Муҳаммад Пайғамбар ҳаётига доир «Нур ул-якийн» номли асаридан сабоқлар беради. 1908 йили бу зотнинг араб шоири ва файласуфи Абул Аъло ал-Мааррийнинг «Ал-Лузумиёт» номли асаридаги фалсафий фикрларини изоҳловчи китоби Аҳмад Исҳоқий томонидан чоп қилинган. Бу «Ал-Лузумиёт» асарини Заки Валидий араб адабиётининг шоҳ асари деб билади. Асардаги фикрларга, хусусан, дин ҳақидаги эркин қарашлари олимга манзур бўлади. Аҳмад Исҳоқий орқали китобнинг Ҳиндистондан тошбосма усулида ва четларига шарҳлар билан босилган нусхасини келтиради. Асарни олим тўлиқ тушунмагач, араб тилини мукаммал ўрганишга бўлган ҳаваси янада ортади. Заки Валидий айтадики: «Қийинчиликларни енгиш истаги унда кучли бўлгани учун Абул Аъло ал-Мааррийнинг «Ҳақиқатлардаги хазиналарнинг пинҳонийлиги сабаб, уларнинг ечимини излашга бўлган қизиқишим ортиди» сўзлари ҳаёлимни бутунлай банд этган эди. Дин хусусида унинг шу сўзлари менга манзур эди» [Prof. Zeki Velidi Togan, 1934, 40].

Заки Валидий: «Абул Аъло ал-Мааррийнинг диний-фалсафий қарашларини ўрганишда ҳамма динларда ҳам баъзи ҳақиқатга яқин бўлмаган қонунларга биз эътиқод қиламиз ва кўр-кўрона қиладиган баъзи одатларимиз орқали бир-биридан ажралмаган ҳолда ҳаёт кечирамиз» [Ishberdina, 2000, 59], деган фикрларини илгари суриб, бу ерда динларнинг асл моҳияти эмас, балки аввалдан қолган баъзи эътиқодларни назарга тутди. Валидий «Туркистон ва Идель ҳавзасининг маданий муносабатлари тарихидан» мақоласида: «Мўғуллар даврида Истанбул ва Европа кутубхоналарида сақланётган диний китоблар Хоразм ва Сирдарё ҳавзасида ёзилган асарларнинг нусхаларидир. «Ёйиқ» ва «Идиль» дарёларининг бош қисмларида «сартлар», Тоболда «бухорийлар» номли аҳоли қадимий Идель шаҳарларидаги «сарт маҳалла» ёки «тожик маҳалла» номли маҳаллалар вужудга келди. Бунинг таъсирида Идель соҳилида Хоразм меъморчилик ва шаҳарсозлик услуби вужудга келиб, натижада Қозон шаҳри меъморчилик ва шаҳарсозлик услубидан ўзаро уйғунлик келиб чиқди. Маданий муассаса, мадраса ва хонақоҳ, қози маҳкамалари аксари ё Мовароуннаҳр уламолари раҳбари ёки Олтин Ўрдада мустақил арабий тил ва девон тилининг XVI асрдаги аввалги шакли бўлган Тянь-Шань ва Мовароуннаҳрнинг адабий туркийси эди» [Inan, 1991, 25-30]. Бу фикрлардан кўринадики, маҳаллий лаҳжа таъсиридаги Хоразм ва Сирдарёда кипчоқ шевасидан кўра кўпроқ туркий шевани ишлатишган экан.

Заки Валидий Техрон кутубхоналаридаги китоблар хусусида: «Техрондаги бу асарлар ичида «Kutubxona-i saltanati»да № 4617 билан сақланган ва ҳозирда ЮНЕСКО томонидан («Мурраққа-и Гулшан») асари асосий ўрин тутиб, унда темурийлардан Акбаршоҳ даврида вужудга келган расм, ёзув ва адабий парчаларни ўз ичига олган мураққаларни ёки китоблардан олинган нусхаларни ўзида жамлаган» [Prof. Zeki Velidi Togan, 1934, 441-445].

Лондон ва Техрондаги Бобурийлар даврига оид асарларда Чигатой тили ва темурийлар даври санъатининг муҳим намуналари мавжудлигини «Техрон кутубхоналаридаги Ҳиндистондан келган асарлар» мақоласида ёритган деган хулосага келади.

Заки Валидий Истанбулнинг Хумоюн музейидан маскукот (қадимий тангалар) ҳақида китоблар келтиради. Олим Уфада танишган бир аёл китоблар олиши учун ёрдам беради. Шунда у Ғарбда араб тилида чоп этилган, Бомбей, Калкуттада форс тилида нашр этилган тарихий асарларни, Мирхонд ва Хондамир китобларини, «Бобурнома»ни ва Ғарб кутубхоналарида мавжуд Шарқ кўлёмалари каталогларга эга бўлади.

Валидий бир куни отасининг мадрасасида дарс бериб юрганида, ўз овулидам ўқувчиларидан бири Темурийлар даврида ёзилган туркман беги Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро» («Шоирлар тазкираси») асарини олиб келади. Бу асарни 1909 йилда таҳлил қилганида Валидий эндигина 19 ёшда эди. «Тазкират уш-шуаро»да Темурийлар даврида яшаган шоирлар таржиماи холи бўлиб, форс тилида ёзилган. Бу асар таҳлилидан келиб чиқиб олим шундай ёзади: «Агарда бизнинг ҳудудимизда изланиш олиб борилса, Ўрта Осиё маданияти ва ислом дини тўғрисида қадимий кўлёмалар топиб, менинг доимий тадқиқот ишимга айланади» [Abduraxmanov, 2004, 22].

Валидий «Қадимги туркий ва мўғул хариталари ҳамда харитачилик масалаларига доир қайдлар» номли мақоласида Маҳмуд Қошғарий тузган харитани, таҳлил қилар экан шундай хулосага келади.

Чингизхон ва Амир Темур даврида тузилган хариталар бўлиб, бу хариталар Маҳмуд Қошғарий тузган харита олим томонидан жуғрофий тушунчага кўра, яратилган энг қадимий харитадир (дастлабки дейиш ҳам мумкин). Мазкур масала билан то шу кунгача географлардан Конрад Миллер ва Альберт Херман [Херман, 1935, 21-28]лар шуғулланган бўлиб, ҳар икки олим ҳам хаританинг асл туркий асар эканлигини таъкидлаганлар. Улар харитадаги жуғрофий атамаларни изоҳлай олмаганлар. Шунингдек, бу асарнинг аслиги нимадан

иборатлигини ҳам у қадар тўлиқ баён этмаганлар. Ҳар икки олим ҳам хаританинг, айниқса ғарб мамлакатлари қисмида ислом хариталарига ўхшаш ва фарқли жиҳатларни кўрсатиш билан кифояланган хулосага келади.

Заки Валидий исломий манбаларнинг тадқиқида тарихий ҳақиқатни фалсафий жиҳатдан тадқиқ қилади ва тарихни сохталаштириш тўғрисида шундай хулосага келади: «Бугунги кунга келиб қадимги тарихчилар даврида ёзилган сохтакор ва ҳар қандай «далили заиф» тарихий ҳужжатлар бугунги кун тарихчиларини тарих илмига бўлган қизиқишларини сўндирмайди. Бугунги кун олимлари энди ҳақиқий маълумотни сохта маълумотлардан ажрата оладиган даражага етдилар. Аммо инсониятнинг тарихий фаолияти шунчалик чигал ва мураккабки, уларнинг кўпчилиги ҳалигача маълум бўлмаётганлиги ва тарихнинг очилган томонлари ҳам ҳали муаммоли эканлигини кўрсатади. Тарихда ҳақиқатда содир бўлган баъзи воқеалар ҳақида тарихнинг бирон бир сўз қайд этмаганини кўришимиз мумкин. Баъзи тарихий воқеаларга оид бир қанча ҳужжатларнинг сохтасини ҳақиқийсидан ажратиш ҳатто бугунги кунгача мураккаблигича қолмоқда.

Танқидсиз тарихий асар ёзган тарихчиларнинг содда ва ёрқин қилиб кўрсатган баъзи ҳодисаларининг ҳақиқатдан нақадар узоқ эканлиги муаммолар туғдирмоқда. Мисол учун, Исо пайғамбарнинг дунёга келиши бугун бутун жаҳон тарихининг бошланиши ва унинг юз миллионлаб инсон тарафидан ўз замонасининг энг яхши шахсияти сифатида кўрилгани сўнгги тадқиқотларга кўра унинг тарихий ҳаётига, ҳатто унинг тарихий шахслигига шубҳа билан қарамоқда. Фақатгина тарих танқиди билан бундай маълумотларни ҳақиқий ёки сохталигини исботлаб бериш муҳим бир йўлдир» [Zeki Velidi Togan, 1924, 32]. Тарихда бунга ўхшаш ҳолатлар бошқа фанларда ҳам мавжудлиги бу каби фикрларни исботлаш учун ижтимоий фанларда аниқ далил топиш мушкул вазифа бўлганлигида фақат кўлёмаларга таянамиз.

Заки Валидийнинг шогирди, тарихчи олим Тунжай Бойқаро: «Валидий 1923 йил 21 февралда йўлга чиқиб, 12 мартда Эроннинг Машҳад шаҳрига боради ва 20 апрелигача кутубхонада илмий тадқиқотини олиб боради. Бу вақт оралигида олим вақтдан унумли фойдаланади. Темурийлар ва Нодиршоҳ даврига оид асарларни ўрганади» [Zeki Velidi Togan, 1924, 25], деб ўз асарида ёзади.

Валидий бу тўғрида Машҳад кутубхонасидан топилган муҳим асарлар ҳақида орадан бир йил ўтиб, Париждаги «Осиё Жамиятида»ги нутқида сўзлайди [Ord. Prof. A.Z.V. Togan, 1955, 149-151].

Бу асарлар орасида милодий IX–X асрнинг биринчи ярмида яшаган Ибн ал-Фақиҳнинг асари Машҳад нухасининг Россия фанлар академияси журналидаги таҳлили хусусидаги мақоласи [Yuldashbaev, 2009, 297-304] ва унга «Осиё Жамиятида»ги нутқида Машҳадда Ибн Фадлан ҳамда Абу Дулаф исмли икки сайёҳнинг асарлари бор бўлган. Машҳад нухаси эса, ҳар икки асар ва Ибн ал-Фақиҳ китобининг бизга қадар етиб келмаган деб кўрсатилган тўлиқ нухаси бўлади [Zeki Velidi Togan, 1939, 105-113]. Асарни топганининг иккинчи куни Сомибейни ҳам кутубхонага олиб келиб, ушбу, асарлардан фойдаланиши учун кутубхона мудиридан рухсат сўрайди ва кеча-кундуз ишлаб асарни кўчириб олади ва тавсифлайди.

Заки Валидий: «Ибн Фадланнинг «Саёҳатнома»си» Россия учун ўзгача аҳамият касб этади. Ибн Фадлан Ўрта Осиё, Бошқирдистон орқали Волга бўйи ва Булғордаги милоддан аввалги 922–923 йиллардаги саёҳатлари ҳақида ўз кузатувларида ёзиб қолдирган»лигини ўз докторлик диссертациясида таҳлил қилади. Бу тадқиқот Заки Валидий ҳаётида катта ютуқ бўлиб, бу асарини Вена университетида докторлик диссертацияси мавзуси сифатида ишлайди. Диссертация иши Германиянинг «Шарқ Жамияти» нашриёти томонидан чоп этилади. Валидийни мазкур илмий изланишлари Германия ва бир қанча Европа давлатлари университетларининг фахрий аъзоси деб сайланишига асос бўлган.

Шунингдек, Ибн Фадланнинг «Саёҳатнома»си туркийлар ҳаётига доир қимматли фикрларини ўзида жам қилган. Тарих институти кичик илмий ходими Ҳ.Мамадалиев: «Ҳанафий мазҳаби томонидан от гўшти макруҳ этилгани учун ўғузлар исломга кирганларидан кейин от гўшти тановул қилишни тўхтатганлар. Ўғузларда исломдан аввалги дин одамлари қом (шомон) деб аталган. Аслида шомон сўзи тунгусча бўлиб, туркийларда деярли қўлланилмаган. Ўғузларда Худога нисбатан Боёт ва Уған сўзлари ҳам қўлланилган. Қомлар ота унвони билан аталганлар. Масалан: Қўрқут ота, Занги ота каби. У замонларда отани қанг деганлар. XIII асрга келиб эса ота ўрнига бобо калимаси ҳам қўлланила бошлади. Туркий қабилалар шомонларнинг илохий куч соҳиби бўлиб, ноёб қобилиятларга эга эканликларига ишонганлар ва уларнинг олдида катта бир қўрқув ва ҳурмат ҳиссини туйганлар. XI асрга келиб ўғузларнинг Қора денгиз бўйларига кўчган кичик бир қисмидан бошқа ҳаммалари мусулмон эдилар» [e-tarix.uz.] – деган маълумотни беради.

Заки Валидий Истанбул кутубхонасида ислом ҳуқуқига оид қўлёзмага дуч келади. У асарни

чуқур ўрганиб, қўлёзма Хоразмда хоразм шевасида ёзилган деган хулосага келади. Заки Валидий илмий изланишлари натижаси ҳақидаги биринчи мақоласини 1927 йилда «Islamica» [Prof. Zeki Velidi Togan, 1969, 190-213] журналида нашр эттиради. 1951 йилда у Истанбул университети нашриётида Хоразм шевасига доир 44 бетдан иборат «Horezmce tercimeli Muqaddimat al-Adab» [Prof. Zeki Velidi Togan, 1947, 65] номли луғат чиқаради. Бу ҳақда Валидий шарқшуносларнинг XXII Халқаро конгрессда маъруза қилади. Ҳиротдаги Темурийлар даврида жуда кўп кутубхоналар бўлганлигини Заки Валидий «Хотиралари»да шундай ёзади: «Бу кутубхоналарнинг бутун бойлиги Жомий, Мирхонд, Хондамир ва Муҳиддин Исфизорий асарларига манба бўлиб хизмат қилган. Бироқ, бу ерда ҳеч бўлмаганда Машҳаддагидек умумий кутубхона ҳам мавжуд эмас экан. Бу ерда чоп этилган «Ittifoqi Islom» газетасининг юқорида номи тилга олинган муҳаррири Салоҳиддин Салжуқий ва маслаҳатчи Башир Аҳмадхонларнинг ёрдами билан шахсий кутубхоналарда, Ҳирот Жомеъи Кабирига қаровчи баъзи биноларда, Гозургоҳда сақланиб қолган асарларни кўрдим. Ҳиротда қабрларга оид «Василат ал-сафоат» асаридан бошқа тарихга оид асарлар йўқ эди. Лекин бу ерда ислом ҳуқуқига оид қўлёзма асарлар орасида XIII аср бошида Чингизхон истилоси натижасида ўз ўрнини туркий тилга бериб, йўқ бўлиб кетган Шарқий Эрон тили деб ҳисобланган «Хоразм туркий» ёзувини «из»ларини топганман» [Prof. Zeki Velidi Togan, 1969, 28-416]. Шу билан бирга бу тилда бир неча асарлар араб ёзувида ёзилганлигини таъкидлайди.

Валидий Қобулдалигида Бобур Мирзо ва унинг ўғилларига оид обидаларни ва Баграм (Шоҳ Баҳром) харобаларини зиёрат қилиб, уларда ёзилган маълумот ҳамда шеърларни дафтарига кўчириб олади. Қўлёзма асарлар орасида энг муҳими Рашидиддиннинг мукамал миниатюралари «Жоме ат-таворих» китоби, «Темур тузуклари»нинг турли ривоятларини ўз ичига олган нухсалари, XIV–XVI аср Туркистоннинг иқтисодий тарихига оид жуда қимматли ҳужжатларни ўз ичига олган маълумотлар, кейинчалик йўқолган «Жоме ал-вақоиф» («Вақфлар тўплами») номли асар, Қошғар ва Кашмир тарихига оид асарлар ҳамда сўнгги афғон ҳукмдорларининг васиқалари бўлади.

Олим Бомбейдалигида китоб сотувчилардан бир нечта китоб сотиб олади. Жумладан, Бобурийлар даврининг буюк олими ва мутафаккири Нейматуллоҳ Вали Дехлавийнинг «Ҳужжатуллоҳ ал-баалоға» номли фалсафий асари, Берунийнинг Лейпцигда нашр этилган асарлари, Минҳож Жузжоний,

Байҳақий, Шарофиддин Али Яздий ва ҳинд ислом тарихчиларининг мутасаввифлар ва шоирларга бағишланган тазкиралари, «Biblioteca Indica»да чиққан асарлари, тарихчилар Шаҳобиддин Абдуллоҳ ибн Фазлуллоҳ Шерозий Вассоф ҳамда Хондамирлар ёзган манбалар, Абдулҳақ Дехлавий ва Хусрав Дехлавий, Шаҳзода Доро-Шукухнинг асарларини олади.

Шунингдек, бу мавзулар яъни диний кадрят, маданий мулоқот, ҳуқуқий маданият, тарихий хотира ва миллий ўзликни англаш доирасида Т.Алимардонов, Ҳ.Туйчиева, М.Қаххорова, Ф.Равшанов, А.Султоновлар илмий тадқиқот олиб борганлар [Алимардонов, 2005, Туйчиева, 2015, Қаххорова, Равшанов 2018, Султонов, 2015,].

Умуман олганда, Заки Валидий олиб борган тадқиқотлардан маълум бўладики, бугунги кунда Туркистондаги санъат асарларининг энг ажойиб ва гўзал намуналари Темур ва темурийлар даврига оиддир. Чингизхон қадимги туркий давлат бошқаруви анъаналарини қайта тиклаган бўлса, Амир Темур уни ислом маданияти билан уйғунлаштириб, мустаҳкам туркий маданиятни юзага келтирди. Туркий қабилаларни ўтроқ ҳаётга одатлантирди. Бугунги кунда ўша даврда яратилган асарлар Европанинг кутубхона ва музейларидаги энг нодир, энг қимматбаҳо санъат асарлари сифатида баҳоланади.

Заки Валидий ислом дини ва фалсафасини биринчи манбалар асосида файласуф олим нуқтаи назардан тадқиқ этган, турли ислом фалсафаси оқимларининг ижтимоий-ғоявий ва гносеологик илдишларини ёритишга ҳаракат қилган. Шу нуқтаи назардан мутафаккир ижодий мероси умумжаҳон фалсафаси тарихи, хусусан, ислом дини ва фалсафаси тарихини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишда маълум илмий ва маърифий қимматга эга.

Заки Валидий ислом дини ва фалсафаси оқимларининг ўзига хос таълимот ва ғояларини бошқа халқлар, жумладан, ҳинд ва юнон халқлари фалсафий таълимотлари билан қиёсий таҳлил қилиш орқали илмий хулосаларга келиши ва маълум даражада жаҳон халқлари фалсафий тафаккури ривожини учун янги концептуал ғояларни берганлиги билан ҳам эътиборга молик. [Ҳиҷаев, 2015]

Хулоса, қиладиган бўлсак, Туркистон тарихи тўғрисида ёзилган асарларда Заки Валидий нафақат тарихчи, балки файласуф ва шарқшунос олим сифатида яққол намоён бўлади. У ўз илмий изланишлари асосида туркий халқларнинг жаҳон цивилизациясига кўрсатган таъсирини илмий-амалий жиҳатдан исботлашга интилади. Заки Валидийнинг файласуф, исломшунос, шарқшунос, манбашунос, тарихчи, туркийшунос бўлиб етиши-

шида унинг Туркистонда 1913–1914 йиллардаги илмий сафари тўғрисидаги «Хотиралар»ида батафсил маълумотлар келтирилиб илмий жамоатчиликка маълум қилинади. Баъзи тўлиқ маълумотни ўз асарларида келтириб ўтади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 72-sessiyasidagi nutqi // «Xalq so'zi», 2017-yil 20-sentyabr.
2. Zeki Velidi Togan. Der Islam und die geographische Wissenschaft (Islom va geografiya fani) // Hettner's Geographische Zeitschrift. Heidelberg. 1934. Heft 10. S.361-372. Islam and the Science of Geography // Islamic Culture. Hyderabad. 1934. October. P.611-627.
3. Kuchumov I.V. Bashkirkoe natsionalnoe dvijeniya 1917-1920 gg. A.Z.Validi. – Ufa, «Gilem». 1997. – S.163.
4. Prof. Zeki Velidi Togan. Hatiralar: Türkistan ve diger Müsülman Dogu Türklerinin milli varik ve kültü mücadeleleri. (Xotiralar. Sharq va boshqa musulmon xalqlarining Turkiston milliy mustaqilligi va milliy madaniyati uchun kurashi) Istanbul. 1969. 646 s.
5. O'sha erda 243 – B.243.
6. Yuldashbayev A.M. Izvestniy i neizvestniy Zaki Validi (v pamyati svoix sovremennikov). – Ufa, «Kitap». 2000. – S.320.
7. Validov A.Z. Pismo na imya redaktora // Orenburg. 1913. №23. – S.2-3., 1914. №1. – S.2.
8. Abdurahmonov M., A.Zohidiy. A.Z.Validiy To'g'onning Turkistonga ilmiy safari. (1913–1914 yillar) – Toshkent.: Fan. 1997. 75 b.
9. Abduraxmanov M. Nauchnaya deyatelnost A.Z.Validova v Turkestane. – Tashkent: «Fan», 2004. 314 s.
10. Prof. Zeki Velidi Togan. Tarihte usul. 4. Bash, Istanbul. 1986. XXX, 360 s.
11. Prof. Zeki Velidi Togan. Hatiralar: Türkistan ve diger Müsülman Dogu Türklerinin milli varik ve kültü mücadeleleri. Istanbul. 1969. 646 s.
12. Prof. Zeki Velidi Togan. Hatiralar: Türkistan ve diger Müsülman Dogu Türklerinin milli varik ve kültü mücadeleleri. Istanbul. 1969. 646 s.
13. Validov A.Z. Pismo na imya redaktora // Orenburg. 1913. №23. – S.2-3., 1914. №1. – S.2.
14. Zaki Validi. «Divan» Maxtumkuli // Shura. Orenburg. 1913. №12, - S.367-360, №14 – S.424-427, № 13. - S. 393-396, №15. S. 458-460, № 16. – S.468-460, – S.491-494, -№16 S. 491-494, № 17 – S.622-624, -№17.– S.522-524.
15. Abduraxmanov M. Nauchnaya deyatelnost A.Z.Validova v Turkestane. – Tashkent: «Fan», 2004. 314 s.
16. Prof. Zeki Velidi Togan. Tarihte usul. 4. Bash, Istanbul. 1986. XXX, 360 s.
17. Ivanov S.N. Nikolay Fedorovich Katanov (ocherk jizni i deyatelnosti). Izd-ye 2-ye. – Moskva.: Nauka, 1973.

18. Prof. Zeki Velidi Togan. Eski Türk ve Mogolların haritaları ve haritacılığı meselesine dair notlar // Kopuz. – Istanbul. 1966. Sayı 5. S.164-169, 1 harita.
19. O'sha erda.
20. Binyon and Wilkinson, Persion miniature Painting, London, 1933, S. 106-109.
21. Ivan Stchoukine in Journ. Fsiat. T. 226, 1935, S.129-132.
22. Zeki Velidi Togan. Bugunki Türkili (Türkistan) ve yakim tarihi. Istanbul. 1947. Cilt 1: Bati ve Kuzey Türkistan. XII, 696 s., 2 harita, 1 var. ilave. - (Türkili (Türkistan) Bilik. № 2).
23. Prof. Zeki Velidi Togan. Hatiralar: Türkistan ve diger Müsülman Dogu Türklerinin milli varik ve kültü mücadeleleri. Istanbul. 1969. 646 s.
24. Abduraxmanov M. Nauchnaya deyatelnost A.Z.Validova v Turkestane. – Tashkent: «Fan», 2004. 314 s.
25. Prof. Zeki Velidi Togan. Tarihte usul. 4. Bash, Istanbul. 1986. XXX, 360 s.
26. Abdurahmonov M., A.Zohidiy. A.Z.Validiy To'g'onning Turkistonga ilmiy safari. (1913–1914 yillar) – Toshkent.: Fan. 1997. 75 b.
27. Zeki Velidi Togan. Türk destanenen tasnifi // Atsez Mecmua. Istanbul. 1931.Saye 1. S.4-5; Saye 2. S.27. S.1. S.4-6; S.2. S.27 - 30; S.3. S.61-66; S.6. S.99-103.
28. Blochet. E. Introduction alnistoire des Mongols de Fade – Allah Rachid-ed-din. Leiden 1910. P.61.
29. D'ohsson C. Histoire des Mongols. Paris, 1834, II. R. 108-109.
30. Prof. Zeki Velidi Togan. Hatiralar: Türkistan ve diger Müsülman Dogu Türklerinin milli varik ve kültü mücadeleleri. (Xotiralar. Sharq va boshqa musulmon xalqlarining Turkiston milliy mustaqilligi va milliy madaniyati uchun kurashi) Istanbul. 1969. 646 s.
31. Ishberdina G. Stanovleniya religioznix vozzreniya Axmetzaki Validova // Vatandash. 2000. №11.
32. Inan A. Makaleler ve Incilemeler. II Cild. – Ankara.: 1991. – 418 s.
33. Prof. Zeki Velidi Togan. Iz istorii kulturnix svyazey mejdu Turkestanom i basseynom Volgi // Yeni Turkestan. №2-3. – S.25-30.
34. Abduraxmanov M. Nauchnaya deyatelnost A.Z.Validova v Turkestane. – Tashkent: «Fan», 2004. 314 s.
35. Xerman A. Dive altesne fiivkische welt karte vom 1076 n CHr. Mm «Jmago Munli» 1, 1935, R. 21-28.
36. Prof. Zeki Velidi Togan. Tarihte usul. 4. Bash, Istanbul. 1986. XXX, 360 s.
37. Tunser Baykara. Ahmet Zeki Velidi Togan Türk Buyukleri dizisi: 110, Ankara: 1989.230 c.
38. Zeki Velidi Togan. Notices sur les manuscrits decouverts dans les bibliotheques de Kaboul et Meshed // Journal Asiatique. Paris. 1924. №1., №4.
39. Zeki Velidi Togan. Ibn ul-Fakih'in eni nushasi // Türk Yurdu. Ankara. 1924. Sayı 4. S.297-304.
40. Ord. Prof. A.Z.V. Togan. Ibn al-Fokihin Turklere aid haberleri. // Beletter.- Ankara: 1948.- N45,- s. 11-16; Prof. Muhammed Shafi Presentation volume.- Lahore: 1955.P.105-113.
41. Yuldashbayev A. Vatandash. Zaki Validi kak politik, ucheniy i patriot. // 2009. №9.
42. Zeki Velidi Togan. Die Reiseberichte Ibn-Fadlans // Geistige Arbeit. Berlin. 1939. №19. 6. Oktober.
43. e-tarix.uz. IX–XII asrlarda o'g'uzlar.
44. Prof. Zeki Velidi Togan. Hwarezmische Satze in einem arabischen Fiqh-Werk // Islamica. – Lipsage. 1927. Vol.3. Fasc. 2. S. 190-213.
45. Prof. Zeki Velidi Togan. XXII Müsteşrikler Kongresi // Zafer. - Ankara: 6 Kasim; 1951'de Istanbul'da toplanan Milletlerarasi XXII. Müsteşrikler Kongresi ve ona ait intibalar. – Istanbul: 1953. - 60 s., 2 foto Kapapinda; 1951'de Istanbulda toplanan Milletlerarasi XXII. Müsteşrikler Kongresi mesaisi ve akislerie.
46. Prof. Zeki Velidi Togan. Hatiralar: Türkistan ve diger Müsülman Dogu Türklerinin milli varik ve kültü mücadeleleri. Istanbul. 1969. 646 s.
47. Prof. Zeki Velidi Togan. Zentralasiatische türkische Literaturen. II: Die islamische Zeit // Hadbuch der Orientalistik. Leiden-Koln. 1963. Abteilung 1. Bd.5. Abschnitt 1. S.229-249.
48. Prof. Zeki Velidi Togan. Hatiralar: Türkistan ve diger Müsülman Dogu Türklerinin milli varik ve kültü mücadeleleri. (Хотиралар. Шарқ ва бoшқа мусулмон халқларининг Туркистон миллий мустикаллиги ва миллий маданияти учун кураши) Istanbul. 1969. 646 s.
49. Alimardonov, T. T. (2005). Siësat Va Akhloq.
50. Туйчиева, X. H. (2014). Основы повышения правовой культуры в Республике Узбекистан. In Педагогическое мастерство (pp. 139-141).
51. Каххарова, M. M., & Холмирзаев, X. Д. (2014). Философское и психо-эстетическое познание цвета. Новый университет. Серия: Актуальные проблемы гуманитарных и общественных наук, (2), 49-52., M Kakhharova-Eastern European Scientific Journal, 2018, Question of Studying Personal Spiritual and Moral Development, <http://journale.auris-verlag.de/index.php/EESJ/issue/view/24/showToc>
52. Ravshanov, Fazliddin (2018) "TOLERANCE: HISTORY AND DEVELOPMENT," The Light of Islam: Vol. 2018: Iss. 1, Article Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw/vol2018/iss1/17>
53. СУЛТОНОВ, А. Ф. (2015). АМИР ТЕМУР БОШҚАРУВ МАДАНИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШДА ТОЛЕРАНТЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗМУ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛЛАНИШИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ МУСТАҚИЛ ИНСТИТУТИ МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗМУ ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ, 461.
54. Хужаев, M. И. (2015). Некоторые особенности этических взглядов Ахмет-Заки Валидова. Credo new, (2-2), 3-3.